



ННТлар –

жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида

Бундан 28 йил муқаддам қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини ифода этиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустаҳкам йўлини белгилаб берди.

Асосий қонунимизнинг дунёга келишига қўйидаги омиллар сабаб бўлган эди: истиқлолгача амал қилиб келган барча конституциялар (Туркистон АССРнинг 1918 ва 1920 йиллардаги конституциялари, Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларининг 1920-1921 йиллардаги конституциялари, ЎзССРнинг 1927, 1937, 1978 йиллардаги конституциялари) мустақил давлат талабларига, янги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ривожига ёрдам беролмай қолди;

суверенитет эълон қилган давлат уни конституциявий асосда мустаҳкамлаши, унда янги давлатнинг мақсади, суверенитети, ички ваташки сиёсий тамойиллари, инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолатнинг олий мақсадларига содиқлигини мустаҳкамлаб кўйиши зарур.

Шунингдек, Конституция фуқаролик жамияти барқарорлигини таъминлаши, инсон ҳуқуқларининг кафолати бўлиши, янгича

ижтимоий муносабатларга ўтиш шароитида пайдо бўлиши мумкин бўлган тартибсизликлар ва ҳуқуқий нигилизмнинг олдини олиши лозим эди. Зоро, Конституция Асосий қонун шаклида жамиятда вужудга келадиган кўпгина саволларга жавоб бериш баробарида, давлатнинг аниқ-равshan дастури мавжудлиги ва унинг аниқ белгиланган йўлдан боришидан далолат беради.

Ўзининг тузилиши, йўналиши, мазмуни жиҳатидан аввалги конституциялардан бутқул фарқ қилувчи Ўзбекистон Конституцияси биринчи моддасидан охирги 128-моддасига қадар мустақиллик ғояси билан сугорилди. Жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократик қадриятларга таянган Конституциямиз халқимизнинг миллий хусусиятларини ҳам ўзида акс эттира олди. Унинг асосида Ўзбекистон бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади.

Ўзбекистон Конституциясининг 15-моддасида белгиланганидек, мамлакатимизда Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдорлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 27 йиллигига бағишлиланган тантанали йиғилишда Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ дея таъкидлаган эди. Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим шарти ҳисобланади. Айнан жамоатчилик назорати орқали ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий муаммолар

кун тартибига олиб чиқлади ва ҳал этиб борилади. Шунингдек, жамоатчилик назорати институти давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни ташкил этишининг муҳим воситаси саналади.

Жамоатчилик назорати тушунчасига давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат сифатида таъриф берилади.

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунга кўра жамоатчилик назоратининг субъектлари – Ўзбекистон фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган ННТлар, оммавий ахборот воситаларидир. Шунингдек, жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Жамоатчилик назоратининг бошқа назорат турларидан асосий фарқи шундаки, унинг обьекти – давлат органлари фаолиятидир.

Шунингдек, жамоатчилик назорати одатда профессионал, тизимли, маҳсус малака талаб қиласидиган, ихтисослашган назорат ҳисобланмайди. Мазкур назорат ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Жамоатчилик назорати бошқа назорат турларидан ўзининг субъектлари билан фарқланади¹.

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунда жамоатчилик назоратининг 8 та шакли мустаҳкамланган: давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар; давлат органларининг

¹ М.Мирақулов. Жамоатчилик назорати: давлат органлари ходимларининг қонунга риоя этиши, вазифасига маъбулият билан ёндашишишини таъминлайди. <http://iza.uz/oz/society/zhamoatchilik-nazorati-davlat-organi-khodimlarining-onung-25-05-2018>.

² Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни. <https://lexuz/docs/3679092>.



очиқ ҳайъат мажлислирида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик эши туви; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик экспертизаси; жамоатчилик фикрини ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш. Шунингдек, жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин².

Ўзбекистон Конституциясининг XIII боби жамоат бирлашмаларига бағишлиган бўлиб, 56-62-моддалар ушбу институтнинг конституциявий мақомига баришлиган. Унинг 56-моддасида Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилиши белгиланган.

Мутахассислар ноҳукумат ташкилотларни (инглиз тилида «non-governmental organizations» (NGO) фуқаролик жамиятининг асосий институти деб ҳисоблашади.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга кўра «Нодавлат нотижорат ташкилот – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир». Қонунда Конституция ва Фуқаролик кодексида турли шакллари кўрсатилган тиҷоратчи бўлмаган ташкилотларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро алоқаси аниқ белгилаб берилган. Хусусан, унинг 10-моддасига кўра «Нодавлат

нотижорат ташкилотлар жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин»³.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида мазкур институтларнинг давлат ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларида роли ва аҳамияти ортиб бормоқда. Агар 1991 йилда мамлакатда ҳаммаси бўлиб 100 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, 2020 йил 1 январда Ўзбекистонда жами рўйхатдан ўтган ННТлар ва уларнинг ҳисобга олинган бўлинмаларининг сони 10502 тани ташкил қиласди⁴. Уларнинг фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш ва уларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати субъектлари фаоллигини ошириш бир қатор омилларга боғлиқ. Энг аввало, қонунда кўрсатиб ўтилган жамоатчилик назорати шакллари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини ишлаб чиқиши лозим.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда тан олинган фуқароларнинг уюшиш ҳуқуки миллий қонучилигимизда тўлиқ акс этган. Хусусан, Конституциянинг 33-моддаси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 21-моддасига, 34-моддаси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 22-моддасига мос. Маълумки, Ўзбекистон мазкур халқаро ҳужжатларга қўшилган ва бошқа ҳуқуқлар қатори фуқароларнинг уюшиш эркинлиги ҳуқуқига риоя этиш мажбуриятини олган.

Жаҳонгир САРИМСОҚОВ,
ТДЮУ магистри

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда.

⁴ www.statuz – сайтидан олинган маълумот.